

ШАФФОФ ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИ — БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ КАФОЛАТИ

Президент Шавкат Мирзиёев якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид тақдимот билан танишди.

Тадбиркорлиқни ривожлантириш мамлакатимизда стратегик вазифага айланган. Иқтисодиёт равнақи, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигида бу соҳанинг ўрни жуда катта. Шу боис, бизнес юритиш қондалари соддалаштирилиб, қулайликлар ошириб берилмоқда. Рақамли технологиялар омалашаётгани бунда қўл келаетир.

Буни давом эттирган ҳолда, шаффоф тадбиркорлик муҳитини шакллантириш, нақдсиз тўловлар учун қулайликларни кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Унга кўра, якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун 2030 йил 31 декабрга қадар махсус ҳуқуқий режим жорий этилади. Уларни давлат рўйхатидан ўтказишдан тортиб ҳисоботни топширишгача бўлган барча асосий хизматларни бирлаштирувчи интеграциялашган рақамли платформалар яратилади. Жумладан, фаолиятни расмийлаштириш, банк ҳисобварақлари очиш ва бошқариш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш, ҳисоб-китоблар қилиш ва фискал чекларни шакллантириш ушбу рақамли платформалар орқали юритилади.

Бу тизимда электрон ҳамён очилиши тадбиркорларга даромадларини қабул қилиш, ходимлар, контрагентлар ва ташкилотлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш имкониятини беради. Электрон ҳамёнга эга бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд

қилган шахслар учун банк ҳисобварақларини очиш ихтиёрий бўлади.

2025 йил 1 ноябрдан бошлаб, бу жараёнларда QR-код ва “tar to ray” технологиясидан фойдаланилади. Хужжатларни масофавий биометрия ва “SMS хабарнома” орқали электрон калитсиз имзолаш мумкин бўлади. Бу маълумотлар қоғоз нусхадаги хужжатлар билан тенглаштирилади. “Қунлиқ тўлов” тартиби тажриба тариқасида жорий этилиб, ходимларга тўловларни электрон ҳамён орқали тўлаш имконияти яратилади.

2026 йил 1 январдан бошлаб, йиллик айланмаси 1 миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун айланмадан олинмаган солиқ ставкаси 1 фойз миқдоридан белгиланади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларда электрон тўловларни қабул қилувчи махсус QR-код мавжуд бўлиши чакана савдо қондаларининг мажбурий талаби этиб белгиланади. Рақамли платформадаги пул айланмалари тўғрисидаги маълумот кредит ажратишда инобатга олинади.

Президентимиз бу тақлифларни маълумлаб, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорни имзолади.

ЎЗА

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев яширин иқтисодиётга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича тақлифлар тақдимоти билан танишди.

Илгари бизнесга юқори маъмурий босим ва аралашув бўлгани сабабли кўпчилик ошқора ишлашдан хавфсизар эди. Сўнгги йилларда солиқ юқини камайтириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Солиқ турлари 13 тадан 9 тага қайтарилди, 100 дан ортиқ турдаги лицензия ва рухсатнома бекор қилинди.

Натижада кузатилаётган иқтисодиёт улуши 2019 йилдаги 45-50 фойздан ҳозирда 35 фойзга тушди. Лекин ҳали буни янада камайтириш зарур.

Тақдимотда бу борадаги устувор вазифалар муҳофиза қилинди. Мутасаддилар яширин иқтисодиётга сабаб бўлаётган омиллар ва уларни бартараф этиш чоралари бўйича ахборот берди.

Бунда энг самарали йўл илгор технологиялар асосида янгича ёндашувларни жорий қилиш экани таъкидланди. Масалан, Тошкент шаҳрида жамоат транспорти тўлиқ автоматлашган тўловга ўтказилгани йўловчилар сони аслида 30 фойзга кўп эканини кўрсатди. Ёки рақамлаштирилган деҳқон ва буюм бозорларида тушум 2-3 қарра ошаётир.

Шундай тизимни қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, савдо ва хизматлар каби яширин иқтисодиёт улуши юқори бўлган соҳаларда ҳам жорий қилиш бўйича кўрсатмалар берилди. Лицензия ва рухсатнома бериш жараёнлари ҳамда муддатларини қайта кўриб чиқиб, инсон омиллини кескин қисқартириш ва барча қадамларни

тўлиқ рақамлаштириш вазифаси қўйилди. Тадбиркорлар кўп дуч келадиган солиқ, банк, божхона, коммунал, сертификатлаш каби соҳаларда коррупцияга йўл очаётган омилларга чек қўйиш зарурлиги айтилди.

Электрон тўловлар ривожлангани аҳолига кенг қўлайлик яратмоқда. Бу яширин иқтисодиётни қисқартиришда ҳам мақбул воситадир. Бунинг учун нақдсиз ҳисоб-китобларни рағбатлантириш, тўлов тизими операторларини қўпайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари фақат назоратни кучайтириш билан яширин иқтисодиётни жилаб бўлмаслигини, аҳоли ва тадбиркорларнинг солиқ маданиятини ошириб, тўғри ишлаганларни рағбатлантириш йўлидан бориш кераклигини таъкидлади.

Ҳар бир соҳа бўйича алоҳида ёндашиб, тадбиркорларга очик ва қонуний ишлашнинг манфаатли қилиш вазифаси қўйилди. Шундан келиб чиқиб, солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш ва рақамлаштириш, бизнесга қўшимча енгилликлар бериш, меҳнат муносабатларини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди.

Ўз навбатида, солиқ маданияти бутун жамият ишига айланиши зарур. Халқимиз ҳамиша қадрлаган ҳалоллик ғазилати пиروвард натижада барча соҳаларда фойзу барака ва фаровонлик олиб келади. Бу ғояларни аҳоли орасида тарғиб қилиб, кенг қарор топириш муҳимлиги қайд этилди.

ЎЗА

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИДА МАСЪУЛИЯТ ВА ИНТИЗОМ — РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ КАЛИТИ

Бугун мамлакатимизда изчил ва тизимли ислохотлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда нафақат масъул раҳбарлар, балки ҳар бир мутахассис ва ходим зиммасига юкланган вазифаларни юксак масъулият билан бажариши шарт. Чунки тартиб ва интизомсиз ўсиш ва ривожланиш бўлмади.



Фавқуллода вазиятлар вазирлигининг ҳар бир офицери, сержанти ва хизматчиси ўз ишини “Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш” шиори остида бажармоқда. Мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудини фавқуллода вазиятлар ҳамда ёнгинлардан муҳофиза қилишда барча имконият ва кучларни сафарбар этмоқда.

Халқимизда “Режасиз иш — қопилсиз ғишт” деган мақол бор. Давлатимиз раҳбарининг соҳага оид фармон ва қарорлари асосида ишлаб чиқилган режалар — биз учун асосий йўл харитаси. Уларнинг **тизимли, қатъий тартиб ва темир интизом** билан сифатли бажарилиши эса фаолиятимиз самарадорлигини таъминлайди.

Хусусан, Президентимизнинг 2025 йил 25 июлдаги “Давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизоми янада мустаҳкамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига биноан **ижро интизоми**ни қатъий таъминлашнинг янги механизми жорий этилган муҳим аҳамиятга эга.

Унга кўра, энди Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари фармойиш ва топшириқларининг ижроси “Ijro.gov.uz” тизимида давлатимиз раҳбарининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижросини назорат қилиш тартибидан амалга оширилади.

Шу билан бирга, ҳукумат қарорлари ижроси бўйича назорат ва ҳисобдорлик жорий йил 1 октябрдан бошлаб “Ijro.gov.uz” тизими орқали ташкил этилади.

Давоми 4-бетда

Нуктаи назар

МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ

ЁХУД АДОЛАТЛИ ИШ ҲАҚИ САМАРАДОРЛИКНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

Президентимизнинг шу йил 7 августдаги “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони давлат хизматчиси учун биргина моддий тарафдан эмас, инсонийлик ва одиллик мезонлари нуктаи назаридан ҳам юксак аҳамиятга эга.

Бу тизим давлат хизматчисининг меҳнатини қадрлаш, оиласи фаровонлиги ҳақида қайғуриш, шу билан бирга, келажакда хизмат сифати ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган кенг ислохотлар замиридаги муҳим ҳалқасидир.

Аслида, давлат хизматчиларининг кўпроқ қисми қўйи тизимларда фаолият юритади. Бу уларнинг маошини ошириш давлат иқтисодиёти учун сезиларли даражада юк бўлади

дегани. Бундай қарорга келиш эса ўша юқини чуқур ҳис этиш ҳамда қанчалик қийин бўлмасин, инсон қадрини юксалтириш учун ушбу қадамни ташлаш жасоратини аниқлатади. Фармоннинг мазмун-моҳияти, у орқали яратилган тизим билан танишиб чиқиб, ўзим аниқлаган ва ҳис этган учта жиҳатни алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз билдим.

Давоми 2-бетда

Аваза сиёсий декларацияси: ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Давлатимиз раҳбари 4-5 август кунлари БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи халқаро конференциясида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Туркменистонда бўлди.



“Аваза” миллий курорт ҳудудида ўтказилган мазкур нуфузли анжуман жаҳон ҳамжамияти диққат марказида бўлиб, у йилнинг энг муҳим геосиёсий воқеаларидан бири сифатида қайд этилди. Конференция кун тартибидан транспорт йўлакларини орқали ўзаро боғлиқликни кучайтириш, иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит хавфларига бардошли инфратузилмани шакллантириш, шунингдек, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш каби долзарб масалалар ўрин олди.

Янги қабул қилинган Аваза сиёсий декларацияси келгусида минтақавий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши шубҳасиз. Хусусан, савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш, иқтисодий трансформацияни жадаллаштириш ва ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини аниқ белгилаб олиш ушбу ташрифнинг энг муҳим самараларидан бири бўлди.

Давоми 5-бетда

ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ

Мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланиб, янги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилмоқда, мавжудларининг қувватлари оширилмоқда. Бу эса турли соҳаларда замонавий билим ва кўникмаларга эга малакали кадрларга эҳтиёжни янада оширмоқда. Президентимиз раҳбарлигида олий ўқув юртлари битирувчилари бандлигини таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилиш мавзуси айнан шуниси билан диққатга сазовордир.

Иқтисодиёт тармоқлари барқарор ривожланиб бораётган, янги технологиялар ва инновацион усуллар жорий этилишига имкон яратилади. Шу билан бирга, талаб ва сифат жиҳатидан юқори малакали кадрларга эҳтиёжни сезиларли даражада оширади. Илгари ишлаб чиқариш корхоналари сони ва қуввати чекланган, кўп корхоналар эски технологияларда фаолият юритгани туфайли янги ишчи ўринлари яратиш секин кечар, малакали кадрларга талаб ҳаминқадар эди. Шу боис, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнат бозорига



интеграцияланишда қийинчиликларга дуч келар, олийгоҳлар билан корхоналар ўртасида ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмаган. Ёшлар кўпинча мустақил равишда иш излашга мажбур бўлиб, иш бериувчилар зарур малакага эга кадр топишда қийинчиликка учраб эди.

Ҳозир эса турли малакали мутахассислар тайёрлаш, уларнинг касбий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва янги замонавий билимлар билан бойитишга эътибор анча кучайди. Бу жараён мамлакат иқтисодиётини рақобатбардош қилиб, ишлаб чиқариш ҳажминини оширишга, иш ўринларини

кенгайтиришга ва аҳоли фаровонлигини яхшилашга хизмат қилмоқда. Лўнда қилиб айтганда, **ёшларни иш билан таъминлаш юртимиз тақдирини энг муҳим ва устувор вазифага айланмоқда.**

Давоми 3-бетда

“ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ” КАРВОНИ МАНЗИЛЛАРГА ЯҚИН



Бу йил 800 мингга яқин ўғил-қиз катта ҳаяжон билан мактаб остонасига қадам қўяди. “Биринчи кўнғирок” тадбирларидан сўнг уларга атаб “Президент совғаси” сифатида тайёрланган ўқув қуроллари тантанали топширилади. Айни пайтда “Президент совғаси”ни етказиб бериш ишлари қизғин паллада.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги маълумотига кўра, жорий йилда ижтимоий, ишлаб чиқариш дастурлари ва бошқа манбалар ҳисобидан юртимиздаги 379 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. Бу сай-ҳаракатлар 112 мингга яқин ўқувчи ўрни

Давоми 2-бетда

МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ

ЁХУД АДОЛАТЛИ ИШ ҲАҚИ САМАРАДОРЛИКНИ КАФОЛАТЛАЙДИ



Дурдона РАҲИМОВА,
Тошкент шаҳри ҳокими ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Биринчиси — инсонийлик жиҳати. Ҳар бир инсон, у давлат хизматчиси бўлади ёки хусусий секторда ишлайдими, ўз меҳнатига муносиб баҳо олишни, олган иш ҳақи ҳисобидан оилавий ҳаётини бекам-қўст йўлга қўйишни, оила аъзолари учун қулай шарт-шароит яратиб беришни истайди. Давлат хизматчиси ҳам ҳар қанча фидойи бўлмасин, оиласида бирор муаммо ёки камчилик бўлса, инсон сифатида ўзини хотиржам ҳис этолмайди ва бу унинг ишига таъсир ўтказиши табиий.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида, одамлар фаровонлик сари интилаётган бир пайтда давлат хизматчисини етарли маошсиз, фақат ватанпарварлик ҳисси ҳисобига хизмат қилдириш ва ундан юқори натижа кутиш бандпарвозлик бўлади. Шу маънода, фармон билан йўлга қўйилган янги тизимда давлат хизматчиларига фақат ишчи кучи сифатида эмас, балки инсон сифатида қаралмоқда, уларнинг инсоний эҳтиёжлари қадрланмоқда, ўз меҳнатининг қадрини ҳис этиши муҳим талаб сифатида баҳоланмоқда. Шундан келиб чиқиб, ушбу тизимни том маънода инсонийликка йўналтирилган ислоҳот, десак муболаға бўлмайди.

Иккинчиси — сиёсий-иқтисодий жиҳати. Буни нимада қўриш мумкин? Шубҳасиз, янги тизимдан давлат хизматида бошқарув сифатини ошириш, инсон

ресурсларидан тўғри фойдаланиш, қолаверса, ислохотлар учун қўйи тизимларга йўналтирилган маблағлардан оқилона фойдаланиш мақсадлари ҳам кўзланади. Маҳаллий ижро органларида иш ҳажми кўплиги, аммо маош камлиги туфайли кадрлар қўнимсизлиги ва сифат даражаси билан боғлиқ муаммолар кўп кузатилади. Ҳаттоки базис ҳудудларда давлат хизматчиларининг хусусий секторда ишлашни афзал билиб, давлат хизматидан кетиш ҳолатлари ҳам учрайди.

Машҳур иқтисодчи олим, Нобель мукофоти соҳиби Гэри Беккер инсон капитали назариясида “Юқори сифатли (салоҳиятли) кадрларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун етарли маош шарт”, дейди. Янги тизим қўйи бўғинларда салоҳиятли кадрларни нафақат сақлаб қолиш, балки юқори бўғиндаги сифатли кадрларнинг қўйи бўғинларга тушиб ишлаш истасига ҳам ижобий таъсир ўтказиши мумкин.

Фармон билан амалиётга татбиқ этиладиган тизимда давлат хизматчиларининг иш ҳақи оширилади, фақат бунда уларнинг малакаси, тажрибаси, шунингдек, иш унумдорлиги, эришилган самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) муҳим ўрин тутади. Бу тартиб замонавий бошқарувдаги

берувчи манфаатларининг мувозанатидир, у меҳнаткашнинг ҳаётини муносиб даражада таъминлаш ҳамда унинг меҳнатига муносиб бўлиши шарт”.

Бу тизимни жорий қилишда халқаро илгор тажрибалар ўрганилган ҳамда инobatга олинган, дейишга тўла асосларимиз бор. Масалан, дунё тажрибасида инсон ресурсларини тўғри бошқариш учун иш ҳақи ва рағбатлантириш тизими, яъни адолатли маош, мукофот ва имтиёзлар пакетига муҳим жиҳат сифатида қаралади. Қолаверса, Халқаро меҳнат ташкилоти ҳужжатларида ҳам адолатли иш ҳақи ҳақида сўз юритилиб, унинг ишчи ва оиласи учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга етиши, шу билан бирга, бажарилган меҳнат учун тенг ҳақ тамойилига асосланиши кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, БМТнинг дунёда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган Тараққиёт дастурида ҳам иш ҳақи меҳнат самарадорлиги, малака ва иш тажрибасига пропорционал белгиланиши кераклиги таъкидланади. Шу маънода, янги тизим орқали ходимларнинг иш фаолиятини кузатиш, KPI (асосий кўрсаткичлар) ёрдамида баҳолаш ва натижаларни таҳлил қи-

тизимда муносиб кадрлар ишласа, маҳаллий ресурслардан унумли фойдаланиб, кўпроқ иқтисодий фойда олиш имкони яратилади. Кадрлар сифати ўз-ўзидан ҳудудлар иқтисодиётига ҳам таъсир ўтказди. Шу боис, янги тизим ҳудудлардаги ўзига хос иқтисодий ривожланишга ҳам туртки бўлади, дейиш мумкин.

Учинчиси — маънавий-тарбиявий жиҳати. Янги тизимнинг маънавий-тарбиявий жиҳатларида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Давлат хизматчиси ўз ишини хуш қўриши, унга меҳр бериши, ватанпарварлик, фидойилик кўрсатиши, энг муҳими, ҳалол бўлиши лозим.

Афсуски, давлатимиз томонидан қарши чоралар қўрилишига қарамай, жойларда манфаатлар тўқнашуви ва коррупцион ҳолатлар учраб турибди. Янги тизимда бундай нохуш, салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсади ҳам кўзланган, албатта. Қўпинча иш ҳақининг камлиги давлат хизматчиларини ноқонуний даромад излашга ва ўша орқали ўз эҳтиёжларини қондиришга мажбур қилади. Шунинг учун дунё тажрибасида етарли маошга институционал ҳалоллик кафолати сифатида қаралади.

Ўз меҳнатига адолатли ҳақ тўланапти деб билган инсон ишидан мамнун бўлади, ишда ўзини бахтли ҳис қилади, ҳалол меҳнат қилишга интилади, ишига янада садоқат ва виждонан ёндашади, қолаверса, ўзини намоён қилишга, давлат ва жамият тараққиётига ҳисса қўнишга интилади. Яъни адолатли маош орқали ходимга маънавий-тарбиявий таъсир ўтказилади, у ўз устида ишлашга, малака ва кўникмаларини ривожлантиришга даъват этилади.

Шу маънода, янги тизим фақат ижтимоий ёрдам эмас, балки тизимда шаффофлик ва ҳалолликни мустаҳкамлашга қаратилган стратегик қадамдир. Чунки моддий барқарорлик маънавий барқарорликка олиб келади, маънавий барқарорлик эса хизмат самарадорлигини оширади.

Ушбу тизимни яратиш учун ташланган амалий қадамни давлат хизматчилари имконият сифатида қабул қилмоғи лозим. Ҳар биримиз зимманимизга юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажариб, халқ ва ватан олдидаги бурчимизни ҳар қачонгидан ҳам масъулият билан адо этишимиз шарт.

Муносабат

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ — КАТТА ИШОНЧ

Кечки соатларда тезда Фанлар академиясига етиб келишимни сўраб кўнғироқ бўлди. “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан тақдирланганимни айтишганида жуда хаяжонландим. Кичик меҳнатим эътиборга олинб, юксак унвонга муносиб кўрилганимдан бошим осмонга етди. Тўғри, илгари ҳам бир неча мукофотларга лойиқ кўрилганман. Қатор хорижий академиялар аъзосиман. Аммо давлатимиз раҳбари фармони билан нуфузли фахрий унвон берилиши киши кўнглини янада юксалтираркан.



Неъматулла ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган ёшлар мураббийси,
академик

Ўрта Осиё тарихини араб манбалари бўйича ўрганиш, араб халқ романлари жанр ва услубий курилиши бўйича илмий тадқиқотлар қилдим. Кўпгина изланишларим Шарқ ва Ғарб тилларидаги нодир манбаларнинг чуқур таҳлиliga асосланган. Манбашуносликда янги йўналишлардан бири — Шарқ бадийи тафаккури ва элитар маданиятларнинг узвий ағоналиги ҳақидаги концепция асослари яратилгани ана шундай изланишларга мисолдир.

1975 йилда “Ибн Баттута саёхатлари Ўрта Осиё тарихи бўйича манба сифатида” мавзусида номзодлик диссертациясини, 1984 йилда “Араб халқ романи” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилдим.

28 йил давомида дунё мамлакатларини кезиб чиққан машҳур сайёх Ибн Баттута ўз асарларида Марказий Осиё, Хоразм ва Мовароуннахр ҳақида алоҳида тўхталган. У келтирган маълумотлар XIV асрнинг биринчи ярми учун низоҳатда қимматли бўлган. Ҳатто баъзилари ўша даврга онд ягона манба ҳисобланади. Номзодлик диссертациямда шу мавзунини баҳоли қудрат тадқиқ қилганман.

Саёхатчи кўп йиллар давомидаги саёхатлари ичида Хоразм ва Мовароуннахр

Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган “Араб тили грамматикаси”нинг тўлдирилган, тузатилган нусхаси дунё юзини кўргани ҳам изланишларимиз маҳсулидир.

Шу билан бирга, 2010 йили Абдулмалик ибн Ҳишомнинг “Ас-Сийра ан-Набавийа” асарини, 2012 йили Ибн Баттутанинг “Саёхатнома” асарини ўзбек тилига тўлиқ таржима қилиб, чоп эттирдик.

Буларнинг барчаси кейинги йилларда илм-фанга қаратилган эътибор натижаси. Тизимни ривожлантириш мақсадида Фанлар академияси ва унинг илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини яхшилашга онд кўлаб фармон ва қарорлар чиқарилди.

Академия тизимини такомиллаштириш давом этмоқда. Унинг таркибидagi қатор илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар фаолияти қайта тикланди. Академия таркиби сайловлар асосида янги аъзолар билан тўлдирилди. Илмий ишланмалар, янгилар, кашфиётларини амалиётга татбиқ қилиш мақсадида олимлар билан корхоналар ўртасида тизимли ҳамкорлик давом этмоқда. Мамлакатимизда илмий ишланмаларнинг амалиётга татбиқ этилишини қўллаб-қувватлаш мақсадида хорижий валютада грантлар ажратилгани ҳам алоҳида эътирофга лойиқ.

Бугунги кунда тақдим қилинган илмий иш лойиҳаси экспертизадан ўтказилганидан кейин уларга алоҳида грантлар ажратилди. Биз ҳам шундай грантни қўлга киритганимиз эътиборга молик воқеалик бўлди. Марказий Осиё тарихини янги манбалар асосида ўрганоқчимиз. Қўлланмалар, тарихий асарлар кўп. Биргина Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидagi Шарқшунослик институтида 41 мингга яқин тарихий қўлёзма бор. Республика миқёсида 100 мингдан орттиқ қўлёзmani топиш мумкин. Буларнинг барчасида Марказий Осиё тарихи озми-кўпми ўрин олган. Араб, форс, туркий манбалар қўлёзмаларини таржима қилиб муомалага киритмоқчимиз. “Марказий Осиё тарихи асл манбаларда” номи катта китоб яратмоқчимиз. Тарихни бошқатдан ёзмоқчимиз. Шу бўйича изланишлар қилинган.

ШУКУХ

Бошланиши 1-бетда

“ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ” КАРВОНИ МАНЗИЛЛАРГА ЯҚИН

2025/2026 ўқув йилида мамлакатимиздаги 10 минг 200 га яқин умумтаълим мактабида 6,7 миллион ўқувчи янги ўқув йили дарсларига киришади. Бугунга қадар 665 минг (90 фоиз) ўғил-қиз 1-синфга қабул қилинди. Қабул жараёни 15 августга қадар давом этади.

“Президент совғаси” таркибида ўзгаришлар борми?

Анъанага кўра, “Президент совғаси” таркибида 12 номдаги ўқув қуроллари — портфель, 12 varaқли дафтар, ручка, оддий қалам, 12 рангдаги қаламлар тўплами, рангли қоғоз тўплами, пластилин, расм дафтари, ўчирғич, 12 рангдаги акварел бўёғи, елим (клей), қаламдон мавжуд. Ушбу ўқув қуроллари вазирилик ҳузуридаги “Таълим-таъминот ва логистика” хизмати томонидан 1-10 август кунлари ҳудудларга, 10-20 август кунлари мактабларга тўлиқ етказилади.

1-синфга қабул қилинаётган ҳар бир болани “Президент совғаси” билан ўз

вақтида таъминлаш мақсадида вазириликнинг adm.maktab.uz электрон платформаси орқали мактаблар кесимида болаларнинг рўйхати номма-ном шакллантирилди (бунда нодавлат ва бошқа вазирилик тасарруфидаги мактаблар ўқувчилари ҳам инобатга олинган). Ўқув қуролларининг сифати ва санитар-гигиеник талабларга мослиги тўғрисида “Ўзбекистон илмий-синов

2025/2026 ўқув йилида мамлакатимиздаги 10 минг 200 га яқин умумтаълим мактабида 6,7 миллион ўқувчи янги ўқув йили дарсларига киришади. Бугунга қадар 665 минг (90 фоиз) ўғил-қиз 1-синфга қабул қилинди. Қабул жараёни 15 августга қадар давом этади.

ва сифат назорати маркази” давлат муассасасининг “Тошкент” маҳсулотларни сертификатлаштириш органи томонидан мувофиқлик сертификати олинган. Мутасаддиларнинг таъкидлашича, ўтган йилдан бошлаб сумкалар ўғил ва қиз болалар учун бир хил ёрқин рангларда, ўқув

қуролларининг оғирлигига, ҳатто боланинг руҳиятига мослаб тайёрланган. Қисқаси, ўқув сумкасининг техник талаблари тўлиқ қайта ишлаб чиқарилди.

— Ўтган йили катта фарзандим мактабга чиққанди. Кўплаб оналарнинг айтишича, “Президент совғаси” сифатида берилган мактаб сумкаси аввалгиларидан анча пишиқ ва чиройли ишланибди. Ранглари ҳам дид билан танланган. Бу йил иккинчи фарзандим 1-синфга боради. У ҳам “Президент совғаси”ни ҳаяжон билан кутиб турибди. Болаларимизни мактаб ҳаётининг биринчи кундан руҳлантираётгани, ота-оналарга енгиллик бераётгани учун давлатимизга раҳмат. Менимча, ҳеч қайси юртда бундай совға берилмаса керак, — дейди бектемирлик Сайёра Нишоновна.

Шу кунларда мактаб ўқитувчилари ўқувчиларни муносиб кутиб олишга ҳозирланган. Айниқса, бўлажак 1-синф муаллимларининг қўли қўлига тегмаётгани аниқ. Синфхонани байрамона безатиш, совғаларни жойлаштириш каби умушлар уларни толдирмайди, аксинча, устозлик меҳрини зиёда қилади.

— Янги ўқув йилида 140 болани 1-синфга қабул қиламиз. Айни пайтда

уларнинг ҳужжатларини шакллантириш устида ишлаяпмиз. Ҳар йили “Президент совғаси”ни қабул қилиб олиш ва эгаларига етказишдек масъулиятли вазифани шараф билан бажарамиз. Зеро, илк бор ўқув сумкасини тутган бола ва ота-онаси юзидagi қувончини кўриб, барча чарчоғимиз чиқиб кетади, — дейди Андижон вилояти Кўргонтепа туманидаги 27-мактаб директори Ақром Абдуллаев.

Бектемирлик Сайёра Нишонованинг охириги гапидан сўнг ўйланб қолдим. Чиндан ҳам яна қайси давлатда 1-синф ўқувчиларига “Президент совғаси” берилад экан дея манбаларни қидирдим. Бу борада ҳеч бир маълумот чиқмагач, сунъий интеллектга мурожаат қилдим. Унинг қўйидаги тезкор жавоби (айнан келтирилган) шу юртда яшаётганимдан бахтиёрлик ҳиссини янада зиёда қилди:

“Сизнинг саволингизга тўғридан тўғри жавоб — шу пайтгача маълум манбаларда биргина мамлакат — Ўзбекистонда Президент томонидан 1-синф ўқувчиларига совға, яъни ўқув қуроллари (портфель, рангли қоғоз, қаламлар, дафтарлар ва ҳоказо) тақдим этилиши ҳақида маълумот бор. Ҳозир бошқа давлатларда шундай расмий давлат томонидан берилувчи Президент гифти анъанаси ёки ташаббуси бўлиши ҳақида аниқ маълумотлар топилмади. Масалан, Германия, Австрия, Швейцария ва Чехиянинг немис тили ҳудудларида болаларга “Schultüte” — қанд ва ўйинчоқлар билан тўлдирилган конус шаклидаги совғалар бериш анъанаси бор, лекин бу давлат раҳбарлари эмас, кўпроқ ота-оналар ёки яқинлар томонидан берилади”.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

1

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Кўнгиротбой ШАРИПОВ,
олий таълим, фан ва
инновациялар вазири

Бошланиши 1-бетда

Сўнгги етти йилда олий таълим соҳаси жадал ривожланди — қабул кўрсаткичлари 4,5 баробар ошди, ёшларнинг олий таълим билан қамрови эса 42 фоизга етди. Бу билимли, салоҳиятли авлодни шакллантиришда улкан қадам бўлди. Эндиликда энг долзарб вазифа битирувчиларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин топиши, яъни уларни иш билан таъминлашдир. Шу боис, битирувчиларни иш ўринлари билан ўзаро боғлаш, уларни ишлаб чиқариш корхоналарига етказиш, иш жойлари билан яқиндан таништириш ҳамда бу жараёни тизимли ва узлуксиз тарзда ташкил этиш устувор аҳамият касб этади.

“Келажакка қадам”:
ишли бўлишнинг янги
тизими

Жорий йилдан бошлаб ёшлар бандлигини таъминлаш йўлида ноёб тизим йўлга қўйилди. Шу мақсадда банкларга 300 миллион доллар миқдорда ресурс ажратилди. Президентимиз ташаббуси билан яратилган мазкур тизим доирасида Миллий банк, Савдо-саноат палатаси ва ҳокимликлар ҳамкорлигида “Келажакка қадам” дастури ишчи амалга оширилмоқда. Дастур доирасида Тошкент шаҳри, Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида “TalabaExpo-2025” касблар кўргазмаси ташкил этилди. Ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида минглаб битирувчиларнинг бизнес лойиҳалари учун имтиёзли шартларда йирик маблағлар йўналтирилди.

Иш берувчилар билан яқин ҳамкорликда тизимли ишланиши, корхоналарда кафедра филиаллари очилиши, талабалар амалиёти сифатли ташкил этилиши, олий таълим муассасаларида “карьерга кунни” ва меҳнат армаркалари мунтазам ўтказилиши ўз самарасини кўрсатмоқда. Натижада битирувчиларнинг катта қисми доимий иш билан таъминланди, бир қисми тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди, яна бир қисми эса деҳқон хўжаликлари ташкил этиб, мустақил меҳнат йўлини танлади.

Эришилган натижалар “Келажакка қадам” дастури ёшларни ҳаётга тайёрлаш, меҳнат бозорига мослаштириш ва келажакда юртимиз иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган авлодни шакллантиришда муҳим ўрин тутаётганини яққол намоён этмоқда. Бироқ битирувчиларимизнинг катта қисми йирик кредит мажбуриятларини ўз зиммасига олишдан қўқиб, тадбиркорлик йўлини танлашга журъат қилолмаслиги ҳам кузатилаётган. Шунини инобатга олиб, имтиёзли кредит ресурсларининг бир қисmini бевосита битирувчининг ишга олган корхоналарга йўналтиришга рухсат берилиши бу муаммонинг самарали ечими бўлади.

Эндиликда ишга олинган битирувчилар сонига мутаносиб равишда тадбиркорларга 5 миллиард сўмгача 18 фоизли кредит ажратилади. Кредит миқдорига



қараб, тадбиркор белгиланган сонда битирувчининг иш билан таъминлайди. Шу билан бирга, агар корхона имтиёзли кредит эвазига ишга олган битирувчининг икки йил ичида ишдан бўшатса, кредит фоизи тижорат ставкаси ўзгариши белгиланди. Ушбу тизим фақат жорий йил битирувчиларига эмас, балки олийгоҳни тугатганига уч йилдан ошмаган ёш мутахассисларга ҳам татбиқ этилади. Бу эса ёшларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин топиши ва тадбиркорлар учун малакали кадрлар захирасининг шакллантиришда муҳим қадам бўлади.

Уйғунлик:
битирувчи — лойиҳа — иш
занжири

Йиғилишда таъкидланганидек, айрим соҳаларда малакали мутахассислар етишмаслиги туфайли кўплаб корхоналар четдан кадр излашга мажбур бўлмоқда. Давлат ҳар бир талабани тайёрлаш учун йилига ўртача йигирма беш-ўттиз миллион сўм сарфласа-да, битирувчиларнинг яриmidан кўпи ўз касбига алоқаси йўқ йўналишларда ишлашга мажбур бўлмоқда. Бу нафақат иқтисодий, балки маънавий йўқотиш ҳамдир — чунки билим, меҳнат ва орзулар ўз самарасини бера олмаётган бўлади.

Ечим эса аниқ: таълим тизимини ишлаб чиқариш билан янада чамбарчас боғлаш, ҳар бир талабанинг ўқиш йўлини унинг келажакдаги иш жойига олиб борувчи узлуксиз занжирга айлантириш зарур. Дуал таълим, ҳақ тўланадиган амалиёт, корхона ва олийгоҳ ҳамкорлиги, битирувчида “иш жойи паспорти”ни ҳали ўқиш жараёнидаёқ бериш — ана шулар орқали биз ҳам сарфланган маблағни оқлаймиз, ҳам ёшларни ўз касбига етакчи мутахассис сифатида вояга етказамиз.

Келгуси йилларда юртимизда амалга оширилиши режалаштирилаётган 83 миллиард долларлик йирик лойиҳалар нафақат иқтисодий ривожланишга, балки кадрлар сиёсати ҳам янги талаблар қўймоқда. Зеро, бу лойиҳаларнинг ўзида 500 мингга яқин малакали мутахассисга эҳтиёж бор.

Мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун, таълим жараёнини иш берувчилар билан яқин ҳамкорликда ташкил этиш, олийгоҳларда амалиётга йўналтирилган ўқув



илгор технологиялар кенг жорий этилмоқда. Шунингдек, атроф-муҳитни асраш, “яшил” технологиялар ва инклюзивлик тамойилларига асосланган ўндан ортққ йўналишда илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Университетда кимё муҳандислиги ва нефть-газ соҳаси кафедралари юқори илмий салоҳиятга эга бўлиб, бу йўналишларда таҳсил олаётган талабаларнинг кўпчилиги битирув йилидаёқ ўз мутахассислиги бўйича иш ўринларига эга бўлмоқда. Бу эса ҳудудда ушбу соҳаларга бўлган эҳтиёжнинг нақадар юқори эканини яққол исботлайди.

Битирувчи траекторияси:
диплом билан бирга иш
кафолати

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳар бир қиймати 1 миллион доллардан ортққ, 50 тадан зиёд ишчи жалб этилган лойиҳа ўзининг техник-иқтисодий асосида мутахассислар эҳтиёжини аниқ кўрсатиши шарт. Бу орқали вазириклар ва тармоқ раҳбарлари олийгоҳларга мақсадли буюртма тақдим этади, ректорлар эса ўқув дастурларига қўшимча модуллар киритиб, талабаларнинг билим ва кўникмаларини ана шу эҳтиёжга мослаб ривожлантиради.



Келгуси йилларда юртимизда амалга оширилиши режалаштирилаётган 83 миллиард долларлик йирик лойиҳалар нафақат иқтисодий ривожланишга, балки кадрлар сиёсати ҳам янги талаблар қўймоқда. Зеро, бу лойиҳаларнинг ўзида 500 мингга яқин малакали мутахассисга эҳтиёж бор.

Бугунги меҳнат бозорида коммуникативлик, лидерлик, жамоада ишлаш ва танқидий фикрлаш каби софт скилллар катта аҳамиятга эга. Шу боис, гуманитар фанлар, бизнес, тиббиёт ва техника йўналишларида микроўрганиш модуллари, амалий симуляциялар ва лойиҳа асосида ўқитиш орқали талабаларда мазкур кўникмалар ривожлантирилади.

Янги тизимнинг энг муҳим жиҳати — талабалар иккинчи курсдан сўнг ишга олиш ниятидаги инвестор иштирокида ҳар йили баҳоланади. Диплом ишлари эса қўлдаги лойиҳа муаммосини ҳал қилишга қаратилган ҳолда тайёрланади ва ҳимоя қилинади. Бу битирувчи диплом олган кунгёк иш жойига эга бўлади-кан, амалда “кадр — лойиҳа — иш” занжири шаклландиган тизимдир.

Шу билан бирга, хусусий сектор учун раббатлантирувчи чоралар кўзда тутилган. Битирувчиларни ишга олган тадбиркорлар тадбиркорлик рейтингига қўшимча баллга эга бўлади, банклар эса бундай корхоналарга имтиёзли кредитлар тақдим этади. Бу ёшларимиз илм олиш жараёнидаёқ ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғланиши, уларнинг ҳар бир савй-ҳаракатлари келажакдаги иш жойига қадам сифатида қадрланиши демекдир. Агар бу тизим ишчи амалга оширилса, давлат сарфлаган ҳар бир сўм ёш мутахассиснинг қўлидан маҳсулот, инновация ва янгилик сифатида қайтиб келади. Шу тариқа ёшлар салоҳияти саноат тараққиётининг юртимиз келажакнинг мустаҳкам пойдеворига айланади.

Шундан келиб чиқиб, масъул вазирилар ва тармоқ раҳбарлари олийгоҳларга аниқ буюртма беради. Ректорлар эса ушбу буюртмалар асосида таълим дастурларини қайта қўриб чиқиб, асосий фанлар қаторида қўшимча модулларни жорий этади. Ушбу модуллар талабаларнинг замонавий ишлаб чиқариш талабларига мос билим ва кўникмаларини шакллантириш, уларга қўшимча кредит баллар тақдим этади.

Диплом ишлари аниқ лойиҳалардаги долзарб масалалар ечимидан келиб чиқиб ҳимоя қилинади. Бундай ёндашув орқали битирувчи ўз йўналиши бўйича тайёр кадр сифатида, иш берувчи эса ўз эҳтиёжга мос мутахассис сифатида мақсадга эришади. Яъни талабаларимиз диплом билан бирга кафолатли иш жойига ҳам эга бўлади. Бу тизим, аввало, ёшларимиз келажакга, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига хизмат қилади.

Олийгоҳлар энди битирувчиларнинг 5-10 йиллик касбий ривожланишини кузатиб борадиган махсус платформага эга бўлади. Унда битирувчи ўз таълими ҳақида фикр билдириши, иш берувчи эса тайёрланган кадр сифатига баҳосини бериш имкониятига эга бўлади. Бу — олийгоҳ учун қимматли манба. Чунки шу орқали битирувчи ва иш берувчи қарашлари таҳлил қилиниб, таълим жараёни меҳнат бозори талабига мос равишда доимий тако-

миллаштирилади. Шу билан бирга, меҳнат бозорининг ўзи ҳам чуқур ўрганилади.

Европанинг Чехия, Германия, Австрия ва Швейцария каби давлатларининг нуфузли олийгоҳларида кенг қўлланилаётган бу амалиёт “битирувчи траекторияси” ёки “битирувчилар мониторинги” номи билан танилган. Асосий мақсад — таълим дастурлари самарадорлигини баҳолаш, битирувчиларнинг меҳнат бозорига интеграциялашувини аниқлаш ва олий таълимни ҳаёт талабларига янада яқинлаштириш.

Сўнгги
етти йилда олий таълим
соҳаси жадал ривожланди —
қабул кўрсаткичлари 4,5 баробар
ошди, ёшларнинг олий таълим билан
қамрови эса 42 фоизга етди. Бу билимли,
салоҳиятли авлодни шакллантиришда
улкан қадам бўлди. Эндиликда энг
долзарб вазифа битирувчиларнинг
меҳнат бозорида муносиб ўрин
топиши, яъни уларни иш
билан таъминлашдир.

Ректорлар учун янги давр:
ваколатлар, адолатли
баҳолаш тизими ва
молиявий рақобат

Давлатимиз раҳбари ректорлар ваколатини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш бўйича янги тизим жорий этиш зарурлигини таъкидлади. Энди олий таълим муассасаларида “Янги Ўзбекистон” университетини тажрибасига асосланган баҳолаш тизими йўлга қўйилади. Энг асосий янгилик — молиялаштириш олийгоҳ тўплаган балларга қараб амалга оширилади. Бу эса соҳага ҳақиқий рақобат ва самарадорлик руҳини олиб қиради.

Янги тизимда битирувчиларнинг бандлигига қараб **40 балл**, тармоқ буюртмаси асосида амалга оширилган илмий тадқиқотлар ва маҳсулот сотилиши учун **30 балл**, илмий салоҳият ва халқаро журналлардаги мақолалар учун **20 балл**, маҳаллий ва хорижий грантлар жалб этганлик учун **10 баллгача** берилади. Янги тартибга кўра, жами балларнинг 85 фоизини ёки ундан кўпрогини тўплаган олийгоҳлар ўз бюджетига қўшимча 20 фоиз бонус олади. Аммо натижаси 56 фоиздан паст бўлса, кейинги ўқув йилида молиялаштириш миқдори қисқартирилади. Бу тизим адолатли рақобат, самарадорлик ва натижадорликка йўл очади. Энди ҳар бир олийгоҳ молиялаштириш учун эмас, аввало, сифат учун курашади.

Энди олий таълимда ректорлар учун ҳақиқий кенг имкониятлар эшиги

очилмоқда. Аввало, барча олийгоҳлар ташкилий ва академик мустақилликка эга бўлади, демек, ректор ўз жамоасини ўзи шакллантиради, ўринбосарларини вазирлик билан келишмасдан тайинлайди ва ҳар бир номзод ўз дастурини кенгаш олдидан ҳимоя қилади.

Молиялаштириш ва штат доирасида профессор-ўқитувчилар ҳамда бошқарув ходимларини эркин тақсимлаш, суперконтракт суммасини табақалашган ҳолда белгилаш ҳуқуқи ҳам ректор қўлида бўлади. Бундан ташқари, “Янги Ўзбекистон” университетида ректорлар мактаби орқали келажак ректор ва проректорлари мақсади тайёрланади. Энг яхши натижа кўрсатган номзодлар малака ошириш учун тўғридан тўғри Гарвард университетига йўл олади.

Танлов имконияти

Бугунги кунда ёшларимиз учун олий таълим олиш йўли ҳар қачонгидан кенг, ҳар қачонгидан ёруғ. Президентимиз томонидан илгари сурилган ҳар бир ташаббус, айниқса, қабул жараёнидаги ислохотлар билим истаган, олий мақсад сари интилган ҳар бир ёшнинг орзу қанотини кенг ёзиши учун яратилаётган заминдир.

Таълим тизимидаги ислохотлар натижасида абитуриентларга 5 та олийгоҳни танлаш ҳуқуқи берилгани ўз-ўзидан улкан имконият бўлган эди. Кўни кеча давлатимиз раҳбари яна бир қўвончли янгиликни эълон қилди: энди агар ёшларимиз танлаган бешта олийгоҳнинг бирортасига ўқишга кира олмаса-да, тўплаган бали бошқа олийгоҳдаги тўлмаган йўналиш талабига мос келса, шу олийгоҳ ректори уни контракт асосида қабул қила олади. Бу интилишдан тўхтамаган ёшларимиз учун янги эшикларни очади.

Ушбу ислохотнинг яна бир муҳим жиҳати — давлат ва хусусий олийгоҳлар ўртасида соғлом рақобат муҳити кучаяди. Чунки эндиликда ҳар бир олийгоҳ абитуриент учун нафақат қабул жараёнида, балки ўқув жараёни, профессор-ўқитувчи салоҳияти, замонавий инфратўзимласи, талабалар ҳаёти учун яратётган шaroитлари билан ҳам рақобатга киришади. Бу — ҳар бир ёшнинг ҳаётидаги бурилиш нуқтаси, унинг келажак йўлини белгилаб берувчи имконият. Биз учун эса масъулият. Чунки ҳар бир талаба эртанги мутахассис, келажакда мамлакат тараққиётини илгари силжитадиган ҳаракат кучидир.

Олий таълим муассасаларида битирувчиларини банд қилиш ва касбий ривожланишини таъминлаш фақат иқтисодий барқарорликка эришиш йўли эмас, балки мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлашнинг ҳам энг муҳим гаровидир. Ёш мутахассиснинг ўз йўлини топиши, билим ва кўникмаларини иш жараёнида намоён қила олиши жамиятнинг умумий ривож учун беқёс қўшилган ҳиссадир. Шу боис, Президентимиз томонидан берилган топишириқлар доирасида олийгоҳлар, давлат органлари ва хусусий секторнинг узвий ҳамкорлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бундай ҳамкорлик битирувчининг ишга жойлашиши билан чекланмайди — у доимий равишда касбий ўснш, янги технологиялар ва бозор талабларига мослашиш имкониятига эга бўлиши керак. Чунки ҳар бир йигит-қизнинг меҳнат бозорида муносиб ўрнини топиши мамлакатнинг иқтисодий қуввати ва маънавий юксалиши учун қўйилган энг мустаҳкам пойдевордир.

Ботир ҚУДРАТХЎЖАЕВ,
фавқулодда вазиятлар вазири,
генерал-майор

Бошланиши 1-бетда

Фармоннинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, давлат органлари ва ташкилотларнинг раҳбарлари қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашда жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида ижро интизоми тўғрисидаги тегишли маълумотларни ўз ташкилотлари, шунингдек, Адлия вазирлигининг веб-саҳифаларига жойлаштириб, ҳар ойда маълумотларни янгиллаб боришга, ҳар чоракда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумат ҳужжатлари ижроси ҳолати бўйича кенг жамоатчиликка ҳисобот беришга мажбурдир.

Бу, ўз навбатида, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумат ҳужжатларининг ижроси устидан кенг қамровли назорат ўрнатиш, ҳар бир раҳбар ва ходимнинг ижро интизоми бўйича ҳисобдорлигини таъминлаш, **шахсий масъулияти ҳамда жавобгарлигини янада ошириш**, пировард натижада эса кўзланган ислохотларнинг амалга ошиши, халқимизнинг давлат идораларидан рози бўлишига замин ҳозирлади.

Ижро интизоминини таъминлашга қўйилган қатъий талаблар асосида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги шахсий таркиби ҳам қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини барвақт ва сифатли бажаришга жиддий эътибор қаратмоқда. 2024 йил ва 2025 йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон Республикасининг 72 та қонуни, Президентимизнинг 69 та фармони, 103 та қарори ва 13 та фармойиши, 53 та баёни, Президент Администрациясининг 627 та, Олий Мажлис палаталарининг 142 та топшириғи, Вазирлар Маҳкамасининг 307 та қарори ва фармойиши, 362 та баёни ҳамда 884 та топшириғининг ижроси таъминланди.

Рақамлаштириш — жадаллаштириш омили

Соҳа ривожига қаратилаётган эътибор Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда тизимнинг барча йўналиши, хусусан, рақамлаштириш жараёнида ҳам ёрқин исботини топмоқда. Жумладан, соҳага ахборот-коммуникация технологиялари кенг татбиқ этилиб, фаолият рақамлаштирилмоқда.

Рақамли технологиялар вазирлиги билан ҳамкорликда “112” ягона марказлашган диспетчерлик хизматининг таркибий қисми сифатида **“101 — ягона навбатчи диспетчерлик хизмати”** тизими ишлаб чиқилиб, фойдаланишга топширилди.

Мазкур ахборот тизимига мамлакатдаги ёнгин содир бўлиши мумкин бўлган 25 мингга яқин турли даражадаги объект ҳамда уларнинг тезкор режаси ва 41 мингдан ортиқ ер ости сув олғич маълумотлари киритилди.

Шу билан бирга, “Ёнгин хавфсизлиги аълочили” йиллик танловини ўтказиш жараёнини рақамлаштириш имкониятига эга ахборот тизими ҳаётга татбиқ этилди.

“Прогноз маълумотларини таҳлил қилишни автоматлаштириш ва дастурий таъминот ёрдамида зилзила даракчиларини аниқлаш” ҳамда “Ёниш ва портлаш хавфи юқори кимёвий моддаларни сақлаш жойлари, бундай моддалардан фойдаланиш ва йўқ қилиш назорати” ахборот тизимлари ишлаб чиқилди.

“Қучли зилзиладан огоҳлантириш” мобилъ иловасини яратиш билан ва аҳолининг электрон иловалар дўконидан ҳаволасини юклаб олиш имконияти пайдо бўлди.



Геоахборот тизимлари технологиялари ва учувчисиз учуш аппаратларидан фойдаланган ҳолда етиб бориш имконияти чекланган ҳудудларда огоҳлантириш ҳамда вазиятларни таҳлил қилиш имкониятини берувчи кўп функцияли мониторинг мобилъ комплекси жорий этилиб, ҳозир Фарғона вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасида синов тариқасида фойдаланилмоқда.

Эрта огоҳлантириш — ҳаёт-мамонт масаласи

Аҳолини юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлардан огоҳлантириш ва бу ҳақда тезкор хабар бериш, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамонт масаласи, десак, хато қилмаган бўламиз. Чунки офатлар бир лаҳзадаёқ инсон ҳаётини у ёки бу тарафга буриб юборишини тарих синовлари бир неча марта исботлаган.

Шу сабабли бугун аҳолига фавқулодда вазиятлар хавфи ёки рўй бергани тўғрисида тезкор хабар беришнинг республика ва маҳаллий даражадаги автоматлаштирилган тизими яратилмоқда. Фавқулодда вазиятлар ҳақида аҳолига маълумотларни эфир орқали етказиш ва трансляция қилиш учун Наманган, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё вилоятларида ҳамда Қамчиқ довонида 13 та кенг форматли ахборот экрани ўрнатилди.

Дунёда содир бўлаётган зилзилалар ҳеч қимми бефарқ қолдирмайди. Мамлакатимизда сейсмик хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Халқаро сейсмик кузатувлар глобал тизимига уланган қўшни республикаларнинг 57 та, жумладан, Қирғиз Республикасининг 26 та, Тожикистоннинг 15 та ва Қозғистоннинг 16 та сейсмик станцияси Миллий сейсмик кузатувлар тармоғига реал вақт режимида “SeisComп3” дастури орқали интеграция қилинди.

Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жағмармаси маблаглари ҳисобидан АҚШнинг “Kinometrics” компаниясига тегишли 140 та “Etna-2” акселерометри харид қилинди.

Республиканинг гарбий ҳудудларида оптимал сейсмик кузатувлар тармоғини яратиш мақсадида мамлакатимизнинг гарбий ҳудудларида қўшима 3 та янги сейсмик станция очилди ва Миллий сейсмик кузатувлар тармоғига уланди.

Шунингдек, республиканинг сейсмик фаол ҳудудларига жами 70 та, сув омборларида сейсмология кузатувларини амалга оширишнинг яхлит тизимини шакллантириш доирасида эса “Қарқиндон”, “Қўрғонтепа”, “Резаксой”, “Чортоқ”, “Ертиқан” ва “Жийдалийсой” сув омборлари тўғрисида 28 та сейсмик станция ўрнатилди. Шундай қилиб, мамлакатда қучли зилзиладан эрта огоҳлантириш миллий тизими кузатувлар тармоғидаги станциялар сони 130 тага етказилди.

Ўз вақтида қўрилган чора — фавқулодда вазиятнинг олдини олиш гарови

Фавқулодда вазиятлар, айниқса, сел, сув тошқини ва қўчки ҳодисалари билан боғлиқ табиий офатлар нафақат инсонлар, балки катта-катта ҳудудларни ҳам хавф остида қолдириб, жамият ҳаёти, давлат иқтисодиётига улкан талафот етказиши.

Шу босис, ретроспектив таҳлиллар асосида ўтган йилларда содир бўлган сел, тошқин ва қўчкиларни чуқур ўрганиб, аҳоли ва ҳудудларни бундай табиий офатлардан муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ўз вақтида қўриб келинмоқда. Жумладан, ҳудудий фавқулодда вазиятлар бошқармалари ва алоқадор ташкилотлар ҳамда



маҳаллий ҳокимликлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар сел ва қўчки хавфи мавжуд ҳудудларни ўрганиб, зарур муҳандислик-муҳофаза ишларини бажарди.

Тошқинга қарши ҳукумат комиссияси ва ҳудудий комиссияларнинг йиғма манзилли дастурларига мувофиқ, 147 та сув объектининг хавфсизлиги таъминланди. 74 та сув ва сел-сув омбори, 47 та гидроэлектр станцияси, 328 та сув ҳавзаси ўрганилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилди.

Юзага келиши мумкин бўлган техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш чоралари доирасида ёниш ва портлаш хавфи юқори кимёвий моддаларнинг сақланиши, ташилиши, фойдаланилиши ва йўқ қилиниши устидан назорат тадбирлари ўтказилди.

Ёниш ва портлаш хавфи юқори бўлган кимёвий моддалар сақланадиган 428 та омбор хатловдан ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари қўрилди.

Манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан бирга 170 та маданият ва истироҳат боғи, 14 та очиқ майдон ҳамда уларда фаолият юритаётган 3684 та аттракцион ҳолати ўрганиб чиқилиб, хавфсизлиги таъминланди.

Қўқиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан дарёлар, сойлар, каналлар ва бошқа сув объектларида 52 минг 114 маротаба профилактика тадбири ўтказилди.

Ҳудудларда кимёвий, биологик ва бактериологик фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан амалий ишлар бажарилиб, 304 та махсус-тактик ўқув машғулотли ўтказилди.

“Фавқулодда вазиятлар ва ёнгинлар профилактикаси кўни” доирасида ўтказилган, 583 мингдан ортиқ профилактик тадбирда 15 миллион 806 минг 757 фуқаро қамраб олинди.

Шунингдек, аҳолини зилзиладан олдин, зилзила пайтида ва зилзиладан сўнг ҳаракатланишга тайёрлаш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Хусусан, республика даражасидаги ташкилотлар ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг 3000 га яқин, муҳим аҳамиятга эга иқтисодиёт объектларининг 802 раҳбар ва мутахассислари Фуқаро муҳофазаси институтига, вилоят, туман (шаҳар) даражасидаги корхона, ташкилотларнинг 40 мингдан зиёд раҳбар ходими ҳудудий “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” ўқув марказларида тайёргарликдан ўтказилди.

Ёнгинлар фавқулодда вазиятлар орасида хавфлилиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Айни жиҳатни теран англаган вазирлик шахсий таркиби ҳозир мамлакатимизда ёнгин назорати билан боғлиқ муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни адо этиб келмоқда.

Бу борада рақамларга мурожаат қилсак. Вазирлик ходимлари 168 минг 135 марта текширилиш, 37 минг 154 та тадбиркорлик субъекти объектида профилактик кўрик ўтказди. 5 миллион 166 минг 743 та яқка тартибдаги ва кўп қаватли уйдаги 2 миллион 675 минг 445 та хонадонни ўрганди.

Тадбирлар давомида 16 миллион 379 минг 846 фуқаро билан тарғибот ва тушунтириш ишлари ўтказилиб, қойида-бузарликка йўл қўйган 98 минг 987 жавобгар шахсга нисбатан 46 миллиард 802 миллион 312 минг сўмлик жарима қўлланди.

“YERELEKTRON” электрон тизими орқали 83 минг 194 та ер участкаси ўрганилиб, 80 минг 496 та мурожаат бўйича жобий; камчиликлар аниқланган 2698 та ер ажратилиши ҳолати бўйича салбий ҳулосалар берилди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг профилактик, ташкилий-амалий тадбирлари натижасида фавқулодда ҳолатларнинг 2024 йилга нисбатан 2025 йилининг ўтган даврида 21 фоиз камайишга эришилди.

Бугуннинг ҳаваскори — эртанинг халоскори

“Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш кабилдир”, дея бежиз айтилмаган. Фавқулодда вазиятлардан омон чиқишнинг ягона йўли — унга олдиндан тайёр туриш.

Шундан келиб чиққан ҳолда бугун мамлакатимиздаги умумтаълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида “Ёш қутқарувчи” кўнгилчилар клуби фаолият юритиб келмоқда. Ушбу клублар ўртасида ўтказиладиган “Ёш қутқарувчилар” мусобақалари эса ҳозир тобора анъанавий тус олиб, ўқувчилар орасидан қутқарувчилик касбига мос, иштиёқи баланд, чиниққан ёшларни танлаб олишда асосий омил бўлмоқда.

Хусусан, ёшлар ўртасида қутқарувчи касбини омалаштириш мақсадида умумтаълим мактабларида 16 минг 464 та жамоа (139 минг 367 ўқувчи), профессионал таълим муассасаларида 683 та жамоа (6993 ўқувчи) “Ёш қутқарувчи” гуруҳларини шакллантирган ҳолда туман (шаҳар), вилоят ва республика миқёсида “Ёш қутқарувчи” кўп босқичли мусобақалари ўтказилди.

Рақамли технологиялар ривожланган ҳозирги даврда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларга муносиб шароит яратиш, муаммоларини ҳал этиш, айниқса, ёш авлоднинг юрт қорига ярайдиган, фидойи инсонлар бўлиб вояга етишига ҳисса қўиши — барчамизнинг вазифамиз.

Бу борада вазирлик тизимида 554 марта “Уч авлод учрашуви”, ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар раҳбарлари иштирокида 298 марта “Раҳбар ва ёшлар”, 15 марта “Генерал ва ёшлар”, 50 марта “Прокурор ва ёшлар”, 1486 марта “Қутқарувчи ва ёшлар” учрашуви ўтказилди. Ушбу тадбирларда маҳалла ва таълим муассасаларидаги 44 минг 491 нафар ҳамда тизимдаги 75 фоиз ёш бевосита иштирок этди.

Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳрида “Ёшлар ойлиги” доирасида “**Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!**” шиори остида “**Қутқарувчи ёшлар форуми**” ташкил этилди.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда она Ватанга муҳаббат ва садоқат туғилуларини шакллантириш мақсадида 810 минг 306 йигит-қиз иштирокида 21 минг 326 маротаба ҳарбий-ватанпарварлик тадбири ўтказилди.

Фуқаробай ишлаш асосида 354 минг 688 ёш билан яқкама-яқка учрашувда 24 минг 377 нафарининг муаммоси, тақлиф ва ташаббусларини ўрганилиб, тегишли “йўл хариталари”га киритилди. Натижада оталиққа олинган 18 минг 899 йигит-қизнинг ижтимоий муаммолари ҳал этилди. Бу борада 435 маротаба меҳнат ярмаркаси ташкил этилиб, 7999 ёш иш билан таъминланди, 2305 нафари касбга ўқитилди, 2711 нафарига имтиёзли кредит ва субсидия олишга қўмақлашилди, 1248 нафарига моддий ёрдам берилиб, 4738 нафарига бошқа турдаги ёрдам кўрсатилди.

Гиеҳвандлик ва психотроп моддалар истеъмол қилувчи 21 йигит-қиз тиббиёт муассасаларида даволатилди, яна 52 нафарига бошқа кўринишдаги ижтимоий-иқтисодий ёрдам пакети ажратилди.

Шунингдек, оталиққа олинган ёшлардан 109 нафари вазирлик тизимига ишга қабул қилинди, 9 нафари Шахрисабздаги “Темурбеклар мактаби” ҳарбий академик лицейига ва 5 нафари ФВВ академиясига ўқишга қабул қилинди.

Обод манзиллардан обод кўнгиллар сари

Юртимиздаги кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш тадбирларида вазирлик ходимлари ҳам сидқидилдан

66 **Бугун вазирлик тизимидаги ҳар бир офицер, сержант ва хизматчи зиммасидаги масъулиятли вазифанинг нечоғлиқ залворли эканини юрак-юракдан англаб, инсон қадри улугланган, халқни рози қилиш, қудратли мамлакат барпо этиш йўлидан бораётган янги Ўзбекистон бунёдкорлари сафида дадил одимлаб бормоқда.**

иштирок этмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларининг барқарор фаолиятини таъминлаш, аҳолини қийнаб келатган масалаларни ўрганиш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш борасидаги ишлар фикримиз тасдиғидир.



Бундан ташқари, бугунги иқлим ўзгариши шароитида экологик барқарорлиқни таъминлашга муносиб ҳисса қўиши учун Орол денгизига яқин чўл ҳудудларда 289 минг 794 гектар ўрмон барпо қилишда иштирок этилди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида эса 776 минг туپ манзарали ва мевали дарахт кўчати екилди.

Маҳорат машқ пайтида ошади

Фавқулодда вазиятлар чоғида ҳаракатланар экан, қутқарувчида юқори жанговар шайлик, пухта билим ва малака, касбий маҳорат шаклланган бўлиши лозим. Нафақат соҳа мутахассислари, балки ҳар бир фуқаро касби, вазифасидан қатъи назар, фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланиш бўйича муайян билим ва малакага эга бўлиши талаб этилади.

Хусусан, ўтган даврда шахсий таркибининг жанговар шайлигини таъминлаш мақсадида 3811 маротаба ёнгин ўчириш тактик машқи ва 11 минг 477 маротаба тунги, 19 минг 990 маротаба кундузги ёнгин ўчириш амалий тактик машғулотли ўтказилди.

Газ ва тутундан ҳимоя хизматлари билан тутунхоналарда 5782 маротаба, очиқ ҳавода 28 минг 460 маротаба, руҳий тайёргарлик йўлақларида олов таъсирида 5181 маротаба, олов таъсирисиз 4900 маротаба машғулот ўтказилди.

Вазирлик академиясида 781 офицер қайта тайёргарликдан ўтказилди ва

малакаси оширилди. Академия ҳузуридаги бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш марказида 1477 қутқарувчи билан бошланғич тайёргарлик, 1340 қутқарувчи билан малака ошириш ўқув йиғини ташкил этилди.

Бундан ташқари, туман (шаҳар)лардаги бошқарув органлари, куч ва воситалари ҳамда аҳолини жалб этган ҳолда 53 та қўмондонлик-штаб ўқув машқи, корхона ва ташкилотда 4893 та махсус-тактик ўқув машқи ўтказилиб, аҳолининг фавқулодда вазиятлар шароитида тўғри ҳаракатланиш бўйича амалий кўникмаси оширилди.

Қулай шароит — самарали хизмат

Қутқарувчи қачон самарали ва сифатли фаолият юритади? Қачонки зарур хизмат шароитига эга бўлса, замонавий асбоб-анжом ва техникалар билан таъминланса, фавқулодда вазиятларни ўз вақтида, юқори талаб даражасида бартараф эта олади. Қорақалпоғистоннинг Амударё тумани, Хоразм вилояти Шовот тумани, Қашқадарё вилояти Косон тумани, Фарғона вилояти Фуқат туманида ёнгин-қутқарув қисмларининг қурилиш ишлари якунланиб, объектлар фойдаланишга қабул қилинди.

Шулар билан бирга, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида вазирлик шахсий таркибига хизмат хонадонлари топширилиб, ижтимоий ҳимояси янада мустаҳкамланди.

Халқаро тажриба соҳа ривожига хизмат қилади

Вазирлик фаолиятида ривожланган мамлакатларнинг соҳага оид илгор тажрибасини ўрганиш ва тизим фаолиятига татбиқ этишга асосий эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтган даврда 352 та халқаро ҳамкорлик тадбирида вазирлиқнинг 1357 вакили иштироки таъминланди.

Республика ҳудудидagi 249 та халқаро тадбирда, АҚШ, Жанубий Корея, Туркия, Буюк Британия, Франция, Канада, Озарбайжон, Ҳиндистон, Қозғистон, Беларусь, Россия, Япония, Германия Покистон, Венгрия, Туркменистон, Ҳиндистон каби давлатлар билан 112 та ҳамда БМТ, БМТД, БМТ Европа иқтисодий комиссияси, ТДТ, МХТ, ЖССТ, ЮНЕСКО, КОИСА, ЮНИСЕФ, ЈІСА каби халқаро ташкилотлар билан 137 та тадбирда иштирок этилди.



Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ҳиндистон, Озарбайжоннинг тегишли вазирлик ва идоралари ҳамда Россия Фанлар академиясининг Ер физикаси институтини ўртасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, баённомалар имзоланди.

Буну ҳам, ўз навбатида, соҳа бўйича тизимга изчил ислохотлар татбиқ этилаётгани ва ўзига хос самараларидан дейиш мумкин, албатта.

Мухтасар сўз ўрнида...

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ўтган даврда **мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларини ёнгин ҳамда бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга қодир бўлган** мобилъ ва профессионал хизматга айланиб бормоқда.

Бугун вазирлик тизимидаги ҳар бир офицер, сержант ва хизматчи зиммасидаги масъулиятли вазифанинг нечоғлиқ залворли эканини юрак-юракдан англаб, инсон қадри улугланган, халқни рози қилиш, қудратли мамлакат барпо этиш йўлидан бораётган янги Ўзбекистон бунёдкорлари сафида дадил одимлаб бормоқда.

Дарҳақиқат, вазирлигимиз зиммасига юклатилган шарафли вазифаларни адо этар эканмиз, қатъий, юқори талаб даражасидаги ижро интизоми — аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, бу борада юқори самарадорликка эришишнинг бош омили эканини асло унутмаслигимиз лозим.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz

yuz.uznews

Бугуннинг гапи

Мамлакатимиз олий таълим тизимида сифат ва мазмундорликни ошириш ҳамда бошқарув тизimini рақамлаштириш, баҳолаш жараёнининг шаффофлиги ва ҳолислигини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар самараси илм аҳли фаолиятида яққол кўзга ташланмоқда. Жорий йил 8 август куни Президентимиз раислигида олий ўқув юртлири битирувчилари бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилишда салоҳиятли ва садоқатли кадрлар тайёрлаш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.

РАҚОБАТЛИ МЕҲНАТ БОЗОРИ

САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР ҲИСОБИГА ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Баҳодир МИРЗАЕВ,
“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти” Миллий тадқиқот университети ректори

Бу борадаги ишлар қандай бажарилади? Умуман, мамлакатимиз олий таълим тизимидаги ислохотлар қанчалик самара берадими? Ушбу саволларга “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти” Миллий тадқиқот университети мисолида жавоб излаб кўрсак. Аини пайтда ОТМда 10 минг 882 талаба таҳсил олмоқда.

Университетимиз Марказий Осиёда сув, қурилиш, атроф-муҳит, энергетика, қишлоқ хўжалиги, ер тузиш ва қатор муҳим йўналишларда илмий тадқиқотлар билан шуғулланувчи ҳамда таълим хизматларини кўрсатувчи етакчи олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаси сифатида бой тарихга эга. Битирувчиларимиз ҳам турли лавозимларда фаолият юритиб, мамлакатимиз ва минтақа тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

2024/2025 ўқув йилида университетимизни 2114 талаба битирди. Қўндоғи таълим йўналиши битирувчиларнинг 40 фоизи давлат гранти асосида ўқиди. Ҳозир уларнинг соҳалар бўйича вилоятларда ишга тўлиқ жойлашиш жараёни давом этмоқда.

Рақобатли меҳнат бозорига қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори салоҳият ва амалий кўникмага эга ҳамда ўз касбига садоқатли кадрлар тайёрлаш борасида университетнинг стратегик дастури ишлаб чиқилган.

Йиғилишда Президентимиз малакали мухандис кадрлар тайёрлашда “тармоқ — корхона — олийгоҳ” занжирини йўлга қўйишни жадаллаштириш зарурлигини қайд этди. Шундан келиб чиқиб, битирувчиларнинг ишга жойлашуви бўйича иш берувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик изчил йўлга қўйилмоқда. Жумладан, дуал таълим тизими ва пулли (маош тўланадиган) амалиётлар йўлга қўйилипти. Дуал таълим тизими факультетлар ихтисослашувида келиб чиққан ҳолда ташкил этилган. Гидромелиорация факультети талабаларини вегетация даврида, гидротехника қурилиш факультети талабалари бетонлаштириш жараёнида, қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультети талабалари қишлоқ маҳсулотларини екиш, парвартиш қилиш ва йиғиштириш мавсумида иштирок этаётган бўлса, бошқа факультетлар талабалари учун тақвимий ва даврий график асосида ўқув жараёни ташкил этилди.

2024/2025 ўқув йилида 800 дан ортқ талаба учун дуал таълим шакли жорий қилинди ва улар ҳақ тўланадиган амалиётда қатнашди. Жумладан, Бўстонлик туманидаги Чотқол дарёси бўйида жойлашган Қуйи Чотқол ГЭС, Пском ГЭС ҳамда Норин дарёси бўйида

жойлашган Норин ГЭС каскади қурилиш майдонларида, Тошкент вилотидаги Бўрижар, Жўнариқ, Қирсадақ каналлари, Сирдарё вилотидаги Ўнг тармоқ-3-1 ва Жиззах вилотидаги Мулкиш каналларини бетонлаштиришда гидротехника қурилиш факультети, вегетация даврида гидромелиорация факультети талабалари сув тежовчи технологиялар ёрдамида сугориш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиштиришда қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультети талабалари учун дуал таълим тизими асосида ўқув жараёни ташкил этилди. Талабалар иш ҳақи, уч маҳал иссиқ овқат, махсус кийим ҳамда турар жой билан тўлиқ таъминланди.

Шунингдек, университетимизнинг бошқа таълим йўналишларида ўқув жараёни “3+3” тизимида йўлга қўйилди. Яъни талабалар ҳафтанинг 3 кунини университетдаги маъруза ва машғулотларда қатнашди, қолган кунлари “Технопарк” МЖҚ, “Energo Max Group” МЧЖ, Ўзбекистон миллий метрология институти, Тошкент труба заводи, қўшма корхонаси, “UZCASEMASH” МЧЖ, “Технопарк” МЧЖ, Чирчиқ ГЭС каскади ва бошқа ташкилотларда амалиёт ўтади.

Талабаларга қўшимча касб ўргатиш амалиёти ҳам йўлга қўйилган. Жумладан, электр, газ, ва кемпинг пайвандлаш бўйича қўшимча касб ўргатилмоқда. Шу кунга қадар мазкур курсларга қатнашган 510 талабага сертификат берилди.



Иккинчидан, университетимизда иш берувчи ташкилотларнинг махсус аудиториялари очилиб, стипендиялари таъсис этилди.

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини йўлга қўйиш мақсадида Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекгидроэнерго”, “Ўзагролизинг” акциядорлик жамиятлари, қатор тижорат банклари, ЮНЕСКО, Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти (GIZ), АКШнинг Case, New Holland, John Deer, Австриянинг FELDER, Хитойнинг XINJIANG TIANYE корпорацияси, Россиянинг “Ростсельмаш” каби хорижий компания ва маҳаллий иш берувчи ташкилотлар ҳомийлигида 16 та махсус аудитория ҳамда қўшма илмий лабораториялар очилиб, зарур техник ва лаборатория воситалари билан жиҳозланди.

Барча иш берувчи корхоналарнинг битирувчи курс талабалари учун “Иш берувчи

стипендияси” таъсис этилди. Бугун 100 дан ортқ талаба иш берувчи стипендиясини олмоқда.

Ушбу корхоналар вакиллари йил давомида ҳафтанинг муайян кунини битирувчилар билан ўзи жиҳозлаган аудиторияларда мунтазам учрашув ва мулоқотлар ўтказиш ҳамда ўқув йили якунида ишга жойлашув бўйича ваучерларни тақдим қилади.

Бундан ташқари, университетимизнинг дунё ОТМлари рейтингидидаги мавқеи йилдан йилга мустаҳкамланмоқда. Жумладан, бугун жаҳоннинг энг нуфузли халқаро рейтинглари бўлган “The World University Rankings — 2025” рейтингидида 601-, “QS World University Rankings — 2025” рейтингидида эса 469-ўринни банд этган. Марказий Осиё ва Кавказорти мамлакатлари университетлари орасида 2-ва Ўзбекистонда 1-ўринни эгаллаб турибди.

Университетимиз 2024 йилда ASIIN халқаро аккредитация агентлигининг 5 йил муддатга мўлжалланган халқаро аккредитациясидан муваффақиятли ўтди. Битирувчиларимизнинг дипломи Европа Иттифокнинг барча давлати, Марказий Америка, Канада, Австралия, Осиё ва Евроосиё мамлакатларида тўғридан тўғри, нострификацияси тан олинди.

Нобель мукофоти лауреати Рик Леамас (Нидерландия) билан меҳнат шартномаси имзоланганимиз ва у октябрдан тўлиқ штатда ишга тушади. Шунингдек, университетда таълим олаётган 2000 дан ортқ хорижий фуқарога АКШ, Канада, Мексика, Германия, Нидерландия, Венгрия, Италия, Бангладеш, Миср, Индонезия, Малайзия, Жанубий Корея, Хитой, Россиядан малакали мутахассислар ҳамда университетнинг етакчи профессорлари дарс ўтмоқда.

Ўқув муассасамизнинг 2024 йилда очилган Олмаота филиалида 100 дан ортқ талаба сув хўжалиги соҳасида таълим олмоқда.

Президентимиз раислигида ўтган йиғилишда буюртма асосида ўқётган талабалар учун ташкилот ва корхоналарнинг таклифига биноан, асосий фанлардан ташқари қўшимча таълим модуллари жорий қилиниши ва ушбу модулларни ўқиган талабаларга кредит баллари берилиши белгиланди.

Университетимизда Вашингтон университети билан ҳамкорликда таълимнинг яна бир янги шакли — “қўшма аудитория” машғулотлари ўтилмоқда. Бунда ҳар икки ўқув муассасаси талабалари реал вақт режимида масофадан қўшилиб, дарсда қатнашади.

Давлатимиз раҳбари муҳандислик соҳасига келаётган талабаларнинг билим савиясини кўтариш, техникумлар фаолиятини модернизация қилиш, таълим хизмати экспортини ошириш, тижорийлаштириш ва инвестицияларни жалб қилиш борасидаги муаммолар ечимига қаратилган муҳим ғояларни илгари сурди.

Дарҳақиқат, муҳандислик соҳасига фундаментал билими нисбатан паст ёшлар ўқишга келмоқда. Тахлилларга кўра, тест ишлашга мослашиб қолган абитуриентлар элементар математик қоидаларни билмапти. Оқибатда назарий механика, материаллар қаршилиги, машина деталлари, гидравлика каби фанларни ўзлаштиришга қийналмоқда.

Шунинг учун қабул жараёнига дифференциал ёндашиш, хусусан, муҳандислик соҳасига қурилиш учун математика ва физика фанларидан ёзма шаклдаги имтиҳонларни жорий этиш керак.

Муҳандислик тизимида босқичма-босқич 2/4 таълим схемасини ташкил этиш, яъни техникумларни университет таркибига факультет сифатида кириштириб, 2 йиллик якуни бўйича касб дипломинини бериш амалиётини қўллаш лозим. Бу амалиёт АКШ, Буюк Британия, Германия, Австралия, Япония, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларда мавжуд. Бунда ўқишни яхши ва аъло баҳога битирганларни яна 2 йил ўқитиб, олий маълумот олишига имкон берилади.

Шунингдек, таълим хизмати экспортини ошириш, хорижий талабалар ва профессор-ўқитувчиларни рўйхатга олиш тизimini рақамлаштириш зарурияти сезилмоқда.

Хорижий талабаларни республикамизга кириб келганда рўйхатга олиш вақти қонунчиликда 3 иш кунини этиб белгиланган. Талаб қилинадиган ортқча қоғозбозлик ва инсон омилнинг доимий иштироки сабаб кечикишлар кузатилмоқда. Шу муносабат билан хорижий талабаларни рўйхатга қўйиш тизimini рақамлаштириш зарур. Мисол учун, E-talaba.uz онлайн платформасини ишга тушириш орқали бунга ечим топса бўлади. Бу университетларга хорижий талабаларни жалб этишда қўл келади.

2025 йил 12 август, 163-сон

5

yuz_official

yuz.uz_news

yuz

ШАРХ

THIRD UNITED NATIONS CONFERENCE ON LANDLOCKED DEVELOPING COUNTRIES AWAZA 2025

Аваза сиёсий декларацияси:
ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ САРИ
ДАДИЛ ҚАДАМ

Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Тенглик, ишонч ва тараққиёт асосидаги ҳамкорлик

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги муносабатлар мустақиллик йилларида изчиллик билан фаол ривожланиб бормоқда. Масалан, 2017 йилда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 177 миллион долларга етиб, олдинги йиллардагидан 3 баробар ўсган. 2018 йилдаги давлат таширифида имзоланган қўшма баёнот ва 250 миллион доллардан зиёд қийматдаги савдо шартномалари ўзаро муносабатларга янги суръат бахш этди. Шу билан бирга, ҳукуматлараро ва идоралараро 17 та ҳужжат қабул қилинган.

2022 йилда Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлигининг асосий устувор йўналиши сифатида савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтиришга келишиб олинди. Икки мамлакат чегарасидаги замонавий чегараолди савдо зонаси товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва тадбиркорлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунингдек, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика соҳаларида ҳамкорликни чуқурлаштириш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилган.

Икки давлат сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий фавқулодда ҳолатларга тайёргарлик қўриш соҳаларида ҳам устувор ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олган. Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёлар масаласида конструктив мулоқот изчил давом эттирилмоқда.

Сўнгги уч йилда шартномавий-ҳуқуқий база янада мустаҳкамланди. Савдо соҳасида имтиёзли тартиблар жорий этилди, ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича механизмлар ишлаб чиқилди. Туркменистон бугунги кунда Ўзбекистон билан эркин савдо режимида йўлга қўйган 10 та давлат қаторига кириди.



Шу тариқа Ўзбекистон ва Туркменистон муносабатлари нафақат тарихий яқинлик, балки мустаҳкам иқтисодий манфаатлар асосида янги босқичга кўтарилмоқда. Давлат раҳбарларининг мунтазам учрашувлари, ўзаро ишонч ва яқин ҳамкорликка асосланган мулоқотлар икки томонлама стратегик шерикликни янги босқичга олиб чиқмоқда. “Аваза”даги учрашув эса бу жараёнинг манتيқий давомиди, ҳамкорликнинг аниқ мазмуну ва иқтисодий натижаларга йўналтирилганини яна бир бор намойен этди.

Тарихий муштараклик

Марказий Осиё халқлари қадимдан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари билан ажралиб турган. Буюк ипак йўли бўйлаб қад ростлаган шаҳарлар — Самарқанд, Бухоро, Марв, Ўтрор, Хива ва Тошкент сингари марказлар нафақат савдо-сотиқ, балки илм-фан ва дипломатия чорраҳасига айланган. Ушбу ҳудудларда яшаган халқлар бир-бирининг дардию қувончига шерик бўлиб, мураккаб тарихий жараёнларда ҳам минтақавий бирдамликни сақлаб қоллишга интилган.

Сўнгги йилларда, айниқса, Ўзбекистон етакчилигида минтақада янгича сиёсий иқлим шаклланиб, ўзаро ишонч, очилиқ

ва ҳамкорлик таъмийллари тобора кучаймоқда. Аини дамда Марказий Осиё давлатлари ўзаро савдо-иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, минтақавий транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш, атроф-муҳит муҳофазаси ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларида ўзаро елкашдо бўлмоқда.

Бугунги глобаллашув даврида халқаро савдо алоқалари ва логистик занжирлар иқтисодий тараққиётнинг муҳим омиллига айланди. Аммо бу жараёнда барча давлатлар тенг шартонда иштирок этаётгани йўқ. Хусусан, тўғридан тўғри денгизга чиқиш имконияти бўлмаган давлатлар учун транспорт харажатлари, божхона тартиб-таъомиллари ва геосиёсий чекловлар ҳали-ҳануз жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Денгизсиз давлатлар глобал тенгсизлигининг яширин қатлами. Бугунги кунда жаҳонда бундай мамлакатлар сони 32 тани ташкил этади. Уларнинг 16 таси Африкада, 10 таси Осиёда, 4 таси Европада ва 2 таси Лотин Америкасида жойлашган. Бу давлатларда дунё аҳолисининг 7 фоизи, яъни 500 миллиондан ортқ инсон яшайди. Афсуски, уларнинг аксарияти халқаро савдода етарли рақобатбардорлиқни таъминлай олмапти, натижада иқтисодий ривожланиш суръатларида сезиларли фарқ юзага келмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ҳолати алоҳида эътиборга лойиқ. Республикаимиз геосиёсий жиҳатдан Марказий Осиёнинг марказида жойлашган бўлса-да, океанга чиқиш учун қамида икки давлат ҳудудидан ўтиши талаб этиладиган жаҳондаги атиги икки мамлакатдан биридир (иккинчиси — Лихтенштейн). Бу ҳолат Ўзбекистоннинг глобал бозорга интеграциялашуви, экспорт-импорт логистикаси ва ташқи иқтисодий фаолиятида сезиларли қийинчиликлар туғдиради.

Аслида, сўнгги йилларда халқаро бозор тенденциялари денгиз йўллариининг устуворлигини янада мустаҳкамлаб қўймоқда. Чунки денгиз орқали ташиладиган юк таннархи одатда қуруқлик йўлларида нисбатан анча паст бўлади. Шу сабабли порт шаҳарлар ва сув ҳавзалари бўйидаги давлатлар замонавий иқтисодий инфратузилма ва транспорт имкониятлари эвазига илгорликка эришмоқда.

Ақсинча, қуруқликда жойлашган, айниқса, транспорт инфратузилмаси ҳали тўлиқ шаклланмаган мамлакатлар учун махсулот етказиб бериш жараёнида ортқча харажатлар, вақт йўқотишлари ва логистика муаммолари юзага чиқмоқда. Бу эса экспорт салоҳиятини чеклайди, махсулотлар рақобатбардорлигини пайсаттиради, натижада инвестициявий жозиба камаяди.

БМТ ташаббуслари ва халқаро анжуманлар

Глобал муаммоларни ечиш, денгизга чиқиш имконияти йўқлиги сабабли юзага келадиган чекловларга қарши стратегик чораларни қўриш мақсадида БМТ қатор конференциялар ташкил этмоқда. Уларнинг энг муҳимларидан бири LLDCs (Landlocked developing countries — денгиз йўли бўлмаган

6 та устувор — транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, божхона ва транзит тизимларини соддалаштириш, рақамли улаш ва ахборот технологиялари, ташқи савдо, иқтисодий диверсификация, иқтисодий ривожланиш ва барқарорлик, молиявий ва техник ёрдам йўналишлари белгиланди.

Вена конференцияси LLDCs учун молиявий институтлар билан кўпроқ ҳамкорлик қилиш зарурлигини ургўлади. Халқаро молия ташкилотлари, хусусан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва Ислмо тараққиёт банки LLDCs учун алоҳида кредит линияларини очишга ваъда берди.

Ўзбекистон — мувозанатли ҳамкор ва ишончли етакчи

4-5 август кунлари LLDCsнинг Туркменистонда бўлиб ўтган учинчи конференцияси аини пайтда Марказий Осиёнинг минтақавий роли ошаётган даврга тўғри келди. Унда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев илгари сурган таклифлар эътибор марказида бўлди.

Президентимиз ўз нутқида LLDCsга хос муаммолар, айниқса, транспорт харажатларининг йирик иқтисодий йўқотишларга олиб келаётгани, транзит тизими беқарорлиги минтақавий иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатаётганини аниқ рақамлар орқали таҳлил қилди. “Марказий Осиё минтақаси ҳар йили ялли ички маҳсулотнинг икки фоизисача йўқотмоқда, айрим махсулотларда логистика харажатлари умумий нархининг 60 фоизисача етмоқда”, деди давлатимиз раҳбари.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг энг яқин денгиз портидан қарийб 3 минг километр узоқликда жойлашгани, экспорт-импорт учун бир неча давлат ҳудудини кесиб ўтиш зарурлиги минтақанинг иқтисодий барқарорлиги учун жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда. Шу реал вазиятни инобатга олган ҳолда Президентимиз томонидан илгари сурилган “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли лойиҳаси минтақавий ҳамкорликдаги тарихий қадамлардан бири бўлган. 2024 йил декабрь ойида старт берилган ушбу меғалоийха йиллик юк ташини ҳажмининг 15 миллион тоннагача етказди. Энг асосийси, Хитойдан Европада олиб бориладиган юклар учун масофа бир неча минг километрга, вақт эса бир ҳафтага қисқаради.

Барқарор ривожланиш ва иқтисодий трансформация йўли

Аваза конференциясида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланди.

Жумладан:
— БМТ шафелигида Транзит қафолатлари тўғрисида глобал битим ишлаб чиқиш;
— Денгизга чиқиш имкони бўлмаган мамлакатлар учун логистика жамғармасини ташкил этиш;
— “Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон” темир йўлини “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” йўли билан боғлаш;
— Инновацион агрохаз яратиш;
— “Зафлик глобал индекси”ни ишлаб чиқиш ва ушбу йўналишдаги илмий марказлар, экспертлар иштирокини кенгайтириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг пухта ва халқпарварликка асосланган амалий ифодаси бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг Туркменистонга амалий таширифи давомида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи маслаҳат учрашувига тайёргарлик қўриш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Ўзаро ишонч ва дўстона алоқалар асосидаги музокаралар бугунги беқарор геосиёсий шартонда минтақавий бирдамликнинг нақада муҳимлигини яна бир бор кўрсатди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари иштирокидаги тадбирлар нафақат дипломатик саҳнада, балки тарихий туйғулар ва самимий ҳурматга асосланган анъанавий муносабатлар сегментидида ҳам тантанали лаҳзаларни яратди. Хусусан, Президентимизга Туркменистоннинг юксак мукофоти — “Ҳамкорлиқни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” ордени топширилди. Бу юксак давлат мукофотини Ўзбекистон раҳбарига топшириш маросими халқаро конференция доирасида ўтказилган муҳим воқеалардан бири бўлди.

Мамлакатимизнинг халқаро конференциялардаги фаол иштироки, Президентимизнинг чуқур таҳлилий нутқлари ва амалий ташаббуслари Ўзбекистоннинг ҳар томонлама очик, барқарор ва фаровон тараққиёт йўлидан бораётганини аяқол тасдиқлайди. Бундай ташаббуслар билан биз нафақат ўз олдимизга қўйган мақсадларни рўбга қиқарамиз, балки халқаро ҳамжамиятда ҳам ишончли ва мувозанатли ҳамкор сифатида тан олинмишда давом этамиз.

Бир сўз билан айтганда, “Аваза”даги халқаро конференция нафақат глобал муаммоларни муҳокама қилиш, балки икки қардош давлат — Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлиқни аниқ мақсадлар ва манфаатли лойиҳалар асосида ривожлантиришга янги суръат бахш этди. Президентимизнинг ушбу амалий таширифи минтақа тараққиёти, барқарор транспорт йўлаклари ва иқтисодий интеграциянинг муҳим ҳалқасига айланиши учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

